

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 18

Жиззах шаҳри

« 14» Январ 2022 йил

**МЧЖ "JIZZAX DORI TA'MINOTFARM"**, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи **директор К.Х.Худойназарова** номидан, бир томондан ва **Жиззах вилоят Перипатал маркази**, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи **Шодмонов Н. М.** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (маҳсулотлар) номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	ККС	Баҳоси
1	Вата мед 100г	шт	100	8 000,00	ККС сиз	800 000,00
2	Викрил 2/5 2м	шт	300	28 000,00	ККС сиз	8 400 000,00
3	Иглы спинальные 25	шт	200	17 500,00	ККС сиз	3 500 000,00
4	Катетер в/в р20	шт	300	4 500,00	ККС сиз	1 350 000,00
5	Катетер в/в р26	шт	300	5 200,00	ККС сиз	1 560 000,00
6	Шприц инсулин	шт	3600	1 350,00	ККС сиз	4 860 000,00
7	Лезвия хирургические 24	шт	300	2 350,00	ККС сиз	705 000,00
8	Перчатки н/с	шт	5 000	1 500,00	ККС сиз	7 500 000,00
9	Перчатки стер	пара	2 000	4 400,00	ККС сиз	8 800 000,00
10	Система инф	шт	3 000	3 300,00	ККС сиз	9 900 000,00
11	Скарификатор стер	шт	5 000	270,00	ККС сиз	1 350 000,00
12	Шприц одр 10мл	шт	6 000	660,00	ККС сиз	3 960 000,00
13	Шприц одр 2мл	шт	6 000	450,00	ККС сиз	2 700 000,00
14	Шприц одр 5мл	шт	6 000	500,00	ККС сиз	3 000 000,00
15	Шприц одр 1мл	шт	800	675,00	ККС сиз	540 000,00
16	Эндорахеальная трубка 7,5мм	шт	10	15 400,00	ККС сиз	154 000,00
17	Эндорахеальная трубка 7 мм	шт	10	15 400,00	ККС сиз	154 000,00
	<i>Жами:</i>					59 233 000,00

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **59 233 000,00 (Элик тўққиз миллион икки юз уттиз уч минг)** сўмни ташкил қилади

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани газначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорда (шартнома суммасидан 30% миқдорда) олдидан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 5 банк иш куни ичида қабул қилиш-топириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б.асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига қилиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва туририш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартараф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдидан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда

шартнома бажарилган ҳисобланади.

«JIZZAX DORI TA'MINOTFARM» МЧЖ 2021 й «\_\_\_» Ноябрьдаги № \_\_\_\_\_ - сонли шартноманинг \_\_\_\_\_ варағи

миклориди, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миклориди жарима тўлайди.

Товарлар таянча олинмаган (олин ассосиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, таянча

олинмаган (ўз муддатиди олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини ассосиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи махсусот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миклориди жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миклориди, аммо

кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миклориди пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда

уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миклориди жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миклориди пеня тўлайди, бироқ бу пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборини, тўлик етказиб бермаслиги, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миклориди жарима тўлайди.

Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи

билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўранга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шахардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

#### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни сулғача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмининг киритиш тўғрисида"ги қарориди кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлик бажарилишидан озод этилади.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинади.

#### 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлимларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирди ва 2021 й. "31" декабр гача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг танаббусига кўра ой (бир) давомиди бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугатиш томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

#### 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

МЧЖ "JIZZAX DORI TA'MINOTFARM"

*Рахбар*

Манзил: Жиззах шаҳар Иттифок маҳалла 31 уй 31 ҳоноадон

Тел./факс 99 558-63-70

Ў/в 2020 8000 5053 9121 0001

Банк номи АКБ "ИНФИНБАНК"

МФО 01133 СТИР 308500337

ОКЭД 410101



Рахбар *А. Абдуназарова*

(м. у)

Адрес:

Тел.:

Факс:

Хисоб Рақам *105021860084017073510054001*

ИНН:

ОКЭД:

Казначейский лицевой счет заказчика:

Наименование казначейского подразделения: 00014

ИНН казначейского подразделения: 201122919

Единый казначейский счет (ЕКС): 23402000300100001010

Рахбар *Рахбар*





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

### GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"JIZZAX DORI TA'MINOTFARM" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"JIZZAX DORI TA'MINOTFARM" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

18.05.2021

991383

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308500337

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, Ittifoq maxallasi 31-uy 31-xonadon,

Guvohnoma:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):



 my.gov.uz  
**Ягона Интерактив  
 Давлат Хизматлари Портали**



Соғлиқни сақлаш  
 вазирлиги ҳузуридаги  
 Фармацевтика  
 тармоғини  
 ривожлантириш  
 агентлиги

№ 8066-5160-е303-f257-9775-7636-8590  
 Хужжат яратилинган сана: 2021-07-05  
 Ариза рақами: 32545983

Хужжат берилган: "JIZZAX DORI TA'MINOTFARM" МЧЖ  
 Қабул қилувчининг идентификация рақами: 308500337

Серия: - №: -

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги  
 Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги  
 Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 15910 - сонли  
 ЛИЦЕНЗИЯ**

Ушбу лицензия "JIZZAX DORI TA'MINOTFARM" масъулияти чекланган жамиятига тайёр дори воситаларини улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун берилди.

**Жойлашган жойи (почта манзили):** Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Иттифоқ маҳалласи, 31-уй, 31-хонадон.

<b>Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):</b>	308500337
<b>Лицензия берилган сана:</b>	01-07-2021 йил
<b>Амал қилиш муддати:</b>	01-07-2026 йил
<b>Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами:</b>	14496-21
<b>Ваколатли шахс:</b>	С.Кариев

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилгини текшириш учун go.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

3425

